SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 30-may • Seshanba • 62 (27.554) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## Баркамол авлод орзуси






**Суратларда:** бир гуруҳ талабалар; информатика гуруҳининг биринчи босқич ўқувчилари машғулот жараёнида.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

«Хонқа — Урганч» йўналиши бўйича ҳаракатлансангиз, Хонқа шаҳарчасидан чиқаверишда, йўлнинг чап томонидаги муҳташам бинога кўзингиз тушади. У 2004 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган Хонқа иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси. Айни пайтда бу ерда олти йўналиш бўйича 642 нафар йигит-қизга 48 нафар малакали ўқитувчи касб-ҳунар сирларини ўргатишяпти. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган синфхоналар, фан кабинетлари, спорт зали, кутубхона, ошхона, ёрдамчи хоналар ўқувчилар ихтиёрида. Бу ерда яна ўқув банки, молия, ҳисоб-китоб, маркетинг, менежмент масалалари билан шуғулланиш, тажриба заллари, қўшимча воситалардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**2006 йил 29 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда «Келишув процедуралари» мавзуида семинар-тренинг ўтказди**

Семинар-тренинг учун бу мавзунинг танланиши парламент қонунчилик фаолиятида келишув процедураларининг амалга оширилиши билан боғлиқ.

Қонунчиликка биноан Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат ва Қонунчилик палатаси тенг ҳуқуқлилик асосида Сенат аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат келишув комиссиясини ташкил этиши мумкин.

Келишув комиссияси фаолиятини амалга ошириш мақсадида Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бироқ, семинар-тренинг иштирокчиларининг фикрича, қонунчилик фаолиятининг янги ҳуқуқий институтини амалга жорий этиш бу масалани илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганиб чиқиш ва атрофлича фикр алмашишни талаб этади.

Тадбирда келишув комиссиясининг ҳуқуқий асослари ва илмий-назарий жиҳатларини очиб бериш, қонун ижодкорлиги жараёнида келишув процедураларини такомиллаштириш ва бошқа мавзуларга бағишланган маърузалар тингланди.

Семинар-тренинг қатнашчилари ўз чиқишларида мамлакат парламенти қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш борасида долзарб аҳамиятга эга бўлган келишув процедуралари институти фаолиятига оид назарий ишланмалар зарурлигини таъкидлади ҳамда муҳокама этилган масала юзасидан қатор қизиқарли таклифлар билдирди.

Тадбир иштирокчилари муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсияномалар ишлаб чиқди.

Семинар-тренингда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар, Адлия вазирлиги вакиллари, олимлар, ўқув юртлари ўқитувчи ва аспирантлари иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шарбат Абдуллаева депутатларга қонун лойиҳаси ҳақида тушунтириш берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида микрокредитлаш ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу икки тизимни янада ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантириш, аҳолини тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш масалалари ўртага ташланди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан эса «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси асосида иккита қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Уларнинг бири «Микромолиялаш тўғрисида», иккинчиси «Микрокредит тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир.

Фракция йиғилишида муҳокама этилаётган қонуннинг асосий вазифалари тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг молиявий маблағлар ҳамда хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун шароит яратиш, уларнинг фаоллигини ошириш, шунингдек, микромолиявий хизматлар бозорини ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб депутатлар лойиҳа юзасидан таклифларини билдирдилар.

Палата мажлисида биринчи ўқишда маъқулланган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун лойиҳасига фракция аъзоларининг таклифи ҳам муҳокама этилди. Бу ҳақда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов сўзга чиқди.

— Лойиҳада солиқ маслаҳатчиси олий маълумотли бўлиши лозимлиги кўрсатилган, — деди у. — Аммо, бугун кўплаб ўрта-махсус маълумотга эга бўлган фуқаролар ҳам давлат солиқ хизматларида фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида тажрибали, самарали меҳнат қилаётганлари кўп. Нима учун улар солиқ маслаҳатчиси бўлиб ишлаши мумкин эмас? Мен бу ерда нафақат олий, балки ўрта-махсус маълумотли фуқаролар ҳам бу фаолият билан шуғулланишларини белгилаб қўйиш керак, деган таклифни киритмоқчиман.

Маълумки, яқинда Белорусия пойтахти Минск шаҳрида Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар парламентлараро Ассамблеясининг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон парламенти вакиллари маслаҳат овози билан иштирок этдилар. Мамлакатимиз делегацияси таркибида ушбу нуфузли йиғилишда қатнашган фракция аъзоси Нурдинжон Исмоилов унда кўрилган масалалар хусусида тўхталди.

— Йиғилишда Ассамблея Низоми ҳамда Регламентига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳужжат давлатлараро Кенгаш томонидан имзолангандан сўнг кучга киради, — деди у. — Унга мувофиқ энди Ассамблея йиғилишларида парламентимизнинг 16 нафар вакили тўла овоз билан иштирок этадилар.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг 2006 йилга иш режаси»да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, фракция аъзолари фаолияти самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар лойиҳалари муҳокамасида фаоллик кўрсатиш, депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан кенгроқ фойдаланиш, аҳоли ўртасида турли тадбирларни ўтказиш масалалари тўғрисида ҳам фикрлашиб олинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгиланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 30 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 925,93 | 1 Малайзия ринггити | 336,32 | 1 ЕВРО | 1557,02 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2272,42 | 1 Польша злотийси | 398,66 | 10 Жанубий Корея вони | 12,90 |
| 1 Дания кронаси | 208,86 | 1 СДР | 1821,43 | 10 Япония иенаси | 108,86 |
| 1 БАА дирхами | 332,75 | 1 Туркия лираси | 799,65 | 1 Россия рубли | 45,20 |
| 1 АҚШ доллари | 1221,86 | 1 Швейцария франки | 997,52 | 1 Украина гривнаси | 241,95 |
| 1 Миср фунти | 212,13 | | | | |
| 1 Исландия кронаси | 16,80 | | | | |
| 1 Канада доллари | 1105,76 | | | | |
| 1 Хитой юани | 152,30 | | | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## ҚАРШИНИНГ ОЧИҚ ТЕАТРИ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб қурилиш ва ободончилик ишлари жадал олиб борилмоқда.

Шулардан бири — амфитеатр қурилишидир. Бундай иншоотнинг барпо этиш воҳа учун янгилик эмас. Газ ва нефтчилар шаҳарчаси бўлган Муборакдаги амфитеатрни қуришда иссиқ иқлим ва бошқа талаблар тўла ҳисобга олинганди. Бу сингари очиқ томошагоҳ Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик тўйига ҳозирлик кўрилаётган Шаҳрисабз шаҳрида ҳам тикланмоқда. Аммо Қаршидаги иншоот лойиҳаси ўзига хослиги, бир неча минг томошабинни сиғдира олиши билан ажралиб туради. Очиқ томошагоҳнинг асосий биноси ва деворлари аллақачон тикланиб, пардоздан чиқмоқда. Ўриндиқлар ҳам тайёр. Безак учун мармар тахталар ва плиталардан ўз ўрнида фойдаланилмоқда.

Қурилишни олиб бораётган Таллимаржон иссиқлик электр станцияси шўъба корхонасининг қурувчилари ҳозиргача 2 миллиард сўмга яқин иш бажаришди. Ҳали юмушлар кўп. Бироқ бунёдкорлар август ойигача уларни уддалашга аҳд қилишган. Чунки бу очиқ томошабоғнинг биринчи меҳмонлари Қаршида ўтадиган тарихий сана иштирокчилари бўлишади. Шубҳа йўқки, қутлуғ тўй муносабати билан барпо этилаётган амфитеатр шаҳарнинг энг кўркам, эътиборли, байрам ва маданий тадбирлар ўтказиладиган томошабоққа айланажак.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎзХДП ҳаёти

## ФАОЛЛИК ВА КУЧЛИ ТАРҒИБОТ ЗАРУР

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Учтепа тумани кенгашининг пленуми бўлиб ўтди**

Унда кенгаш раиси Маҳмуд Ёқубовнинг туман партия кенгаши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Нотиқ амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликларга алоҳида тўхталди. Хусусан, Учтепа туман партия ташкилоти ҳисобида 3013 нафар партия аъзоси борлиги, уларнинг аксарияти ташаббускор, обрў-эътиборли фуқаролар эканлигини таъкидлаб, шу билан бирга партияга хайрихоҳ ёшларни ўз сафларига тортишда сусткашликка йўл қўймаслик БПТларнинг вазифаси эканлигига эътиборни қаратди. Партия тузилмалари диққатини ХДП дастурий ғояларини кенг тарғиб қилиш, депутатлар билан ишлашни яхшилаш, фаоллар ўқувини ташкил этишга қаратиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Мунозараларда сўзга чиққанлар партиядаги ислоҳот унинг ҳар бир аъзоси фаоллигини ошириш билан бевосита боғлиқ эканлиги, бу борадаги энг яхши ташвиқот аввало амалий ишларда кўринишини таъкидладилар.

**Элмира БОСИТХОНОВА, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси бош врачи, шаҳар Кенгаши депутати:**

— Ҳар бир депутат туман, маҳалла, керак бўлса ҳар бир оиланинг ташвишини ўз муаммоси сифатида қабул қилиши керак. Сайловчиларга хизмат қилиш бурчи эканлигини бир лаҳза бўлсин унутмаслиги лозим.

Сайловлар пайтида ҳар бир номзод ўз дастурини эълон қилиб, сайловчилар ишончини оқлашга, фаол бўлишга ваъда берган. Ана шу катта ваъдаларга вафо қилиб, амалий ишимиз, фаолиятимиз билан ишончни оқлаяпмизми? Мен депутат сифатида ўтган йил 83 нафар фуқаронинг дардини тинглаб, муаммосини ҳал қилишга кўмаклашдим. Битта илтимосим бор, туман Кенгаши томонидан берилаётган мурожаатлар ёзма равишда бўлса, муаммолар янада тез ҳал бўларди.

**Азиза ҒИЁСОВА, Учтепа туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Бу ерга тўпланганларнинг ҳар бири билимли, обрў-эътиборли кишилар. Бу эса албатта, ЎзХДП туман кенгашининг катта салоҳиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Биз барчамиз гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик сингари иллатларга қарши курашда ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини бўшаштирмаслигимиз зарур.

**Абдусамад АБДУМАЛИКОВ, Саккокий номли маҳалла раиси, ЎзХДП аъзоси:**

— Бугунги кунда ЎзХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш керак. Чунки партия ғояларига, фаолиятига қизиққан фуқаролар илк маълумотни БПТдан оладилар.

Бизнинг маҳалламизда 3 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. Маълумки, ЎзХДП аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган қатламини ўз электорати деб ҳисоблайди. Демак, маҳалладаги муаммолар билан партия ташкилотлари ҳам жиддий шуғулланишса, нур устига аъло нур бўларди.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## «УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ»

**Яқинда Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан катта китоб байрами ташкил этилди.**

«Улуғимсан, Ватаним» деб номланган мазкур тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари А.Муродов очар экан, китобларнинг ҳаётимиздаги ўрни, фарзандларимиз тарбиясидаги аҳамияти ғоят юксак эканлигига тўхталди. Тадбирда қатнашган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раиси ўринбосари Ўткир Жўраев, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, таниқли адиб Тилаволди Жўраев ва бошқалар вилоят аҳлини ушбу зиё байрами билан табрикладилар.

Агентлик тизимидаги қатор нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, «Маънавият», «Янги аср авлоди» нашриётларида чоп этилган турли мавзудаги ранг-баранг китоблар кўргазмаси бу ерга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди. Тадбир муносабати билан ўтказилган мушоирада Муҳаммад Али, Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо, Умида Абдуазимова, Охунжон Ҳаким, Энахон Сиддиқова каби таниқли ижодкорлар қаторида фарғоналик ёш, истеъдодли назм ихлосмандлари ҳам қатнашдилар.

Шунингдек, мазкур тадбир доирасида вилоят кутубхонаси, Фарғона давлат университети, Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйларида пойтахтлик қаламкашлар билан учрашувлар, китоблар тақдимотлари ташкил этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Истак

# ЙЎЛЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР



Тошкент — Нукус йўналишида жадвал асосида қатнайдиган «Мерседес-Бенц 0330» русумли давлат автобусида Гулистон шаҳрига кириб бордик. Автобус аввалгидек, тўғрига — Янгиер, Ховос томон эмас, ўнг томонга — яқиндагина фойдаланишга топширилган йўл билан Мирзачўл тумани маркази — Гагарин шаҳрига бурилди. Ўн бешйигирма дақиқалар юргач, тезлик пасайди, ҳайдовчи автобусни гоҳ ўнг, гоҳ сўлга буриб, текис йўл излаб ҳаракатлана бошлади.

...Янги йўлда таъмирлаш ишлари олиб борилаётганди — йўлсозлар яқиндагина фойдаланишга топширилган йўлни яна янгидан «ямашаётган» экан. Айрим жойларда ҳаракат бир томонлама ҳам қилиб қўйилганди...

Йўловчилар ҳайрон бўлишди: 35 километр масофали йўлнинг очилганига ҳали бир йил ҳам бўлмади-ку?

Айтишларича, «олдинги асфальт — йўлнинг биринчи қопламаси бўлиб, иккинчиси энди ётқизилаётган» экан... Ундай бўлса, нима учун йўл охирига етказилмасдан фойдаланишга топширилган?!

Ниҳоят бир неча ўн йиллар муқаддам қурилган бетон йўлга тушиб олдик. Аллақачон таъмирталаб трасса деярли Ғаллаоролгача давом этди. У ёғи эса Самарқандгача мазза... равон йўл...

Аммо Лойишдан Каттақўрғонгача йўл анча носоз эди. Қачонлардир ётқизилган яхлит бетон бўлаклари оралиғи очилиб, ўнқир-чўнқирлар сероб...

Навоий вилояти ҳудудига ўтдик. Йўл чиндан ҳам зўр, кенг, текис, равон, ҳавас қилса арзийди. Йўловчига ҳам зўр, ҳайдовчига ҳам. Халқаро андазада қандай бўлса, шундай..!

...Қизилқум бағрида бир неча километр йўл босдик. Холисона айтганда, чўл йўллари у даражада ёмон эмас-ў аммо ҳали тузатса бўладиган жойлари кўп. Масалан, «Саримой» йўл-патрул хизмати масканидан ўтгач, қарама-қарши келаётган автотранспортнинг бири ўтиб, иккинчиси тўхтаб туриши керак. Йўлак тор, кенгайтириш, таъмирлаш керак. Айниқса, «Мискин» йўл патрул хизмати манзилидан бирозгина юрилгач, айланма йўлда хийла қийинчилик бор. Соатига ўн-ўн беш километр тезлик жонга тегиб кетади...

Тўрткўл, Беруний шаҳарлараро йўлларида эса, тўғрисини айтиш керак, Нукусга боргунча ором оласиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августида қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида: «Йўлларни сақлаш ва таъмирлаш йўлларни бошқарувчи органлар томонидан... амалга оширилади» деб кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда номлари юқорида келтирилган йўл участкаларига тегишли вилоятларнинг автойўлсозлари бундан хулоса чиқариб олишлари керакка ўхшайди.

Шунингдек, қонуннинг 19-моддасида «Йўл ҳаракати қатнашчиларининг қатнов ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади», — дейилган. Демак, йўлсоз — таъминотчи, йўловчи ва ҳайдовчи — истеъмолчи. Истеъмолчи таъминотичидан норози бўлса, қонун бузилди, дегани. Шундай экан, тегишли мутасадди идоралар истеъмолчилар ҳуқуқи бузилишига йўл қўймасликлари керак.

Яна бир истак: Барча шаҳарлараро автомобиль йўлларида тиббий хизмат кўрсатиш ишлари ҳам (зарур ҳолларда!) талаб даражасида бўлса эди... Зеро, қонунда йўловчилар учун тиббий хизмат кўрсатишнинг муайян манзилжойлари бўлиши кераклиги ҳам ёзиб қўйилган. Ва яна автотеххизмат, дам олиш жойлари, ошхона, транспорт турлари учун махсус тўхташ майдонлари ҳам замонавий даражада бўлса...

**Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,**
**ҳуқуқшунос-журналист**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Таклиф ва истак ўрнида битилган мазкур мақолани чоп этишдан олдин, биз унда кўтарилган масала мазмуни ҳамда билдирилган мулоҳазалар доираси билан Ўзбекистон Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси — **«Ўзавтойўл»** раҳбариятини таништириб, муаллиф мушоҳадаларини қисқача шарҳлаб беришларини сўрадик.

*Яқинда* ***компания бошқаруви раиси Муродулла Абдуллаев*** *имзоси билан олинган шарҳда жумладан шундай дейилади:*

*«...Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша муаммолари бўлади. Масофаси 35 километрлик давлат аҳамиятидаги 4р29 «Гулистон — Гагарин» автомобиль йўлида таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилмасдан «фойдаланишга» топширилганлиги тўғрисидаги факт нотўғри, чунки ушбу йўл ҳақиқатан ҳам расман фойдаланишга топширилган эмас.*

*Амалдаги қонунлар ва ўрнатилган тартибга кўра, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракатни чеклаш, очиш ёки ёпиб қўйиш компания ваколатига кирмайди.*

*Тўғри, мазкур йўл таъмирлаш вақтида бутунлай ёпилмаган бўлса-да, алоҳида транспорт воситаларининиг ҳаракати чеклаб қўйилганди. Аҳоли ва йўловчиларнинг оғирини енгил қилиш, Гулистон-Ховос йўналишида транспорт ҳаракатини енгиллаштириш орқали ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларнинг масофанинг 25 километр узунлиги туфайли кетказаётган қимматли вақти ва ортиқча ёнилғи-мойлаш материалларини тажаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавафсизлиги органлари ва вилоят ҳокимлиги томонидан йўл фақат йўловчи ташиш транспорт воситалари учунгина вақтинча очиб қўйилганди.*

*Мазкур объектдаги қурилиш ишлари компания таркибига кирмайдиган (тендер савдосида «ғолиб» чиққан) «Мелиотрансқурилиш» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Назорати эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси зиммасига юкланган.*

*Таъмирлаш ишлари давом этаётганлиги туфайли йўлнинг ҳозирги ҳолати журналист-ҳуқуқшунос К.Мирзааҳмедов тасвирлагандек ҳолатда бўлиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида йўл корхоналари томонидан йўлни «ямаб» туришгани рост. Шунингдек, йўлларнинг бошқа нуқсонлари, хусусан, Лоиш участкасидан Каттақўрғонгача йўналишда ва «Мискин»гача бўлган масофада айрим ўнқир-чўнқирлар мавжудлиги бор гап. Бу нуқсонларни тузатиш 2006 йил йўл ишлари таъмири дастурида кўзда тутилган.*

*Муаллиф таъкидлагандек, ҳақиқатан ҳам автомобиль йўллари ва йўл хизмати кўрсатувчи корхоналар — таъминотчи, йўл ҳаракати иштирокчилари ва йўловчилар — истеъмолчилардир. Шу боиски, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида: «Йўл идоралари ўзлари хизмат кўрсатаётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари транспорт воситаларини узлуксиз ва хавф-хатарсиз ўтказиб туришни таъминлайдиган соз ҳолатда сақланиши учун жавобгардирлар» деб кўрсатиб ўтилган. Ҳатто шу модданинг кейинги хатбошисида: «Автомобиль йўлларини бошқарувчи идоралар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги оқибатида йўл шароитлари ёмонлашуви туфайли юз берган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни автомобиль йўллардан фойдаланувчиларга тўлашлари шарт ва улар юз берган ҳодиса оқибатларининг оғирлик даражаларига қараб интизомий, мулкий, маъмурий ёки жиноий жавобгар бўладилар» деб ҳам белгилаб қўйилган.*

*Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл қурилиш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни янада кучайтириш чоралари ва автомобиль йўлларини қурилишининг 2006 йилги дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил, 3 март, ПҚ-299-сонли) қарорида ҳам айни муаллиф кўтарган долзарб масалалар, автомобиль йўлларининг транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича аниқ бажарилиши керак бўлган ишлар ва уларни молиялаштириш бўйича кўрсатмалар берилган. Шу кунларда компаниямизда мазкур ҳужжатлар асосида 2006-2010 йилларга мўлжалланган республикада йўл қурилиши концепцияси ва йўл ишлари дастури ишлаб чиқилмоқда. Унда йўл минтақасида ҳар хил хизматлар: техник, тиббий хизмат кўрсатиш объектларининг жойлаштирилиши масалалари ҳам кўзда тутилган.*

*Таҳририятга бераётган ушбу шарҳимиз матни шу йил, 6 май куни «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижроия дирекциясининг қўшма йиғилишида ҳамкорликда тайёрланиб, тегишли корхоналарга мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди...»*

---

Ҳомийлик

# КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Деновлик Ибодулло Абдуқаҳҳоров ҳақида сўз кетса, аввало унинг саховатпешалигига таъриф беришади.

— Унинг кўпчилик биладиган бир хислатини гапириб берай, — дейди Деновдаги «Эркаклар мурувват уйи» директори Хайрулла Жалилов. — Ҳар янги йилда барча уйига шошилса, Ибодулло бизга ошиқади. Тушликда 200-250 кишилик ош... Совға-салом... Мустақиллик байрами, Наврўз тантаналарида ҳам мана шу ҳиммат яна такрорланади.

Ибодулло Абдуқаҳҳоров 1999 йилда «Абдуқаҳҳор» фермер хўжалигига асос солди. Дастлаб, 26 бош қорамол билан фаолият бошлаган хўжалик ихтиёрида бугун 305 бош қорамол, 144 бош ҳисори қўй, 2000 тадан ортиқ парранда, 14 бош йилқи мавжуд. Макарон, колбаса цехлари, ун, зиғир тегирмонлари ишлаб турибди. Ўтган йили 100 тоннага яқин гўшт, 14 тонна колбаса, 150 тонна ун ва ун маҳсулотлари, 800 минг донадан ортиқ тухум Мурувват уйлари ва Халқ таълими бўлими жамоалари ҳамда Сариосиё туманидаги ҳарбий қисмга етказиб берилди. Ортгани бозорга... Хуллас, даромад 120 миллион 358 минг сўмдан ошди. 45 миллион сўми соф фойда.

— Бошида уч нафар ишчи билан фаолият бошловдик. Ҳозир қишлоқ ёшларидан қирқ киши иш билан банд. Келажакда ишлаб чиқаришимиз 12 фоизга ортиб, аъзоларимиз сони 50 фоизга кўпаяди. Масалан, терини қайта ишлайдиган цех қурмоқчимиз. Хомашё ўзимиздан... Россиядан технологиялар келтирамиз. Балиқ етиштириш, 4 гектарли боғ, — дейди Ибодулла Абдуқаҳҳоров.

— Чорвачилигимиз ҳам зўр, — суҳбатга қўшилди бош ҳисобчи Амриддин Толипов. — Ҳар бири 1 тоннадан ортиқ тош босувчи наввосларимиз бор, юз бошга яқин соғин сигирлар, ҳисори қўйлар дегандай... Яқин йилларда қорамоллар 500 бошга, қўйлар 300 тага етади. Етти хазинанинг бири — парранда ҳам 4 мингталарга борса керагов...

Бош ҳисобчи берган қўшимча маълумотларга қараганда, ўтган даврда 12 миллион сўмга яқин маблағ турли хайрия тадбирларига сарфланди. «Гулзор» маҳалласидаги кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандига суннат тўйи қилиб берилди. 84-умумий ўрта таълим мактабига ҳомийлик кўрсатилди. 1,5 километр масофага сим тортилиб, телефон алоқаси ўрнатилди, «Нуронийлар чойхонаси» қурилиши бошланди...

Яхшилардан яхшилик, эзгулик қолади, дегани шу аслида.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири** t

---

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

# КАМҚОНЛИКНИ ДАВОЛАШ МУМКИНМИ?

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош гематологи, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори Саиджалол БАҲРОМОВ билан суҳбат

**— Юртимизда турли витаминларга бой сабзавот, полиз экинлари, мевалар тўкин бўлса-да, аҳоли орасида, айниқса, болаларда камқонлик учраяпти. Мутахассис сифатида бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?**

— Ҳозирда тиббиёт тизимидаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Мана, гематология ва трансфузиология соҳасидаги муаммоларни олиб кўрайлик. Камқонлик ҳам бутун дунёда инсоният ҳаётига хавф солиб турган долзарб муаммолардан бири.

Ҳозирда бунга барҳам бериш учун давлат миқёсида чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, ун маҳсулотларини темир моддаси билан бойитиш хасталикка мойил бўлган болалар, ҳомиладор ҳамда туғиш ёшидаги аёлларда касалликнинг юзага келиши олди олинмоқда. Мамлакатимизда мазкур масалани ҳал этиш Давлат дастури доирасида амалга ошириляпти. Бугунги кунда кичик ёшдаги болаларда камқонлик кўпроқ учраётганлиги ташвишланарлидир. Ачинарлиси шуки, уларнинг овқатланиш рационларида камчиликларга йўл қўйиляпти. Зотан, бола истеъмол қиладиган овқатнинг таркибида оқсил моддаси, микроэлементлар бўлиши лозим. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фақат сутли овқатларгагина боғланиб қолган болалар камқонлик касаллигига учрамоқдалар. Улар ўз вақтида маълум миқдорда гўштли таомлар, шунингдек, сабзавот ва мева шарбатлари истеъмол қилиб туришлари зарур. Шундагина кичик ёшдаги болалар орасида камқонлик касаллигининг олди олинган бўлади. Яна шуни айтиш мумкинки, ҳомиладорликни 2,5-3 йил оралатиб режалаштириш мақсадлидир. Шу даврда она организми навбатдаги ҳомиладорликка тайёр бўлади.

Темир танқислиги камқонлигига эса 50 фоиз овқат таркиби ва овқатланиш тартиби сабаб бўлаяпти. Бунда овқат таркибидаги оқсил моддаси етарли бўлиши даркор. Мана Хитойни олиб кўрайлик. Бу мамлакатда камқонликнинг ўртача даражаси бошқа жойларга нисбатан анча паст. Маълум бўлишича, улар овқатланиш рационларида кўпроқ соя маҳсулотларидан фойдаланганлиги боис организм оқсил билан меъёрида таъминланар экан.

**— Айтинг-чи, бугунги кунда хасталикка қарши курашишда, муолажа жараёнларида қандай янгиликлар бор? Камқонликни даволаш мумкинми?**

— Камқонликни бартараф этиш ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ. Мана, масалан, бавосил касаллиги сурункали қон йўқотиш билан кечади. Ошқозон ва ичаклар операциясини бошидан ўтказган кишиларда ҳам бироз вақт ўтгач, камқонлик белгилари пайдо бўлади. Бундай беморлар терапевт, педиатр, қолаверса, гематологга учраб, даволанишлари ва дарднинг олдини олишлари мумкин. Одамлар орасида чойни камқонликка олиб келади, деган фикрлар ҳам бор. Ваҳоланки, чой организм учун ўта фойдали ҳисобланади. У сув ва модда алмашиниши учун маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чойни сут билан аралаштириб ичиш мақсадга мувофиқдир.

Бугун республикамизнинг барча ҳудудларида институтимизнинг гематология бўлимлари ишлаяпти.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва трансфузиология институти ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти олимлари касалликнинг олдини олиш борасида илмий изланишлар олиб боряпти.

Одам танасида орттирилган темир танқислигидан ташқари ирсий камқонликлар ҳам мавжуд. Уни даволашда тез ва аниқ ташхис қўйиш муҳим роль ўйнайди, бунда тегишли стандартларга суяниш лозим. Шу боис олимларимиз бу йўналишда тажрибалар ўтказишмоқда, илмий изланишлар эса ўз самарасини беряпти.

**— Қон қуйиш хизматини такомиллаштиришда нималарга эътибор бериш керак?**

— Илгари республикамиздаги барча клиникаларда беморга яхлит қон қуйиларди. Генетика ва иммунология фанларининг тараққий этиши бундай йўл тутиш бесамар эканлигини исботлади. Яъни, қон таркибида қандай элемент етишмаса, шу элементни беморга бериш касалликни муолажа қилишда фойдали эканлиги маълум бўлди. Агарда бемор организмида қизил қон таначалари (эритроцитлар) етишмаса, қизил қон таначаларини, оқ қон таначалари етишмаса — оқ таначаларини қуйиш, вақти келганда қон ишлаб чиқарувчи ва иммунитетни тикловчи ўзак ҳужайраларни кўчириб ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳам қулай, ҳам иқтисодий тежамкорликни таъминлайди. Эндиликда ҳатто, қон препаратларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Тиббиётда бундай янги усуллардан фойдаланиш аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, тиббий хизмат савиясини оширишга олиб келади.

Бугунги кунда гематология фани тараққиёти дунё олимларининг ҳамкорликда фаолият юритишларини талаб қиляпти. Шунинг учун биз Россия гематолог ва трансфузиологлари билан яқиндан ҳамкорлик қиляпмиз. Ўзаро тажриба алмашишлар мамлакатимизда қон қуйиш хизматининг равнақ топишига хизмат қилади.

**Суҳбатдош: Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

XORIJDA

## ЯВА ОРОЛИДА ҲАЛОКАТ

*Шанба куни Индонезиянинг Ява оролида кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллга тенг зилзила рўй берди.*

*«Reuters» ахборот агентлигининг маълумот беришича, зилзила маркази бўлган Жокьякарта музофотида 3463 нафар, Марказий Ява музофотида эса 1672 одам ҳалок бўлган. Табиий офат натижасида 20 мингга яқин одам жароҳатланди, яна 200 минг нафари бошпанасиз қолди. Улардан 50 мингги вақтинчалик чодирларда жойлаштирилди. Бошпанасиз қолганлар ичимлик суви ва озиқ-овқат етишмовчилигидан азият чекмоқда. Марказий ва Шарқий Яванинг тоғли қишлоқларида табиий офат қурбонлари сони қанчалиги номаълумлигича қолмоқда.*



*Индонезия вице-президенти Юсуф Калла душанба кунидан бошлаб мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилишини билдирди. Унинг айтишича, фавқулодда ҳолат табиий офат рўй берган ҳудудда 3 ойга жорий этилади. Қутқарув ва тиклаш ишларини ниҳоясига етказиш учун 1 йилга яқин вақт кетар экан.*

*Индонезия президенти офат юз берган ҳудудга ҳарбийларни жўнатиб, уларни туну кун ишлашга чақирди. Зилзила оқибатида аэропорт ҳам талафот кўрганлиги боис Жокьякартага инсонпарварлик ёрдами ва техник воситаларни самолётлар билан етказиб беришнинг иложи бўлмаяпти.*

*Жароҳатланганлар сони жуда кўп бўлганлиги туфайли маҳаллий касалхоналар уларни жойлаштиришга жой топа олмай қолди. Халқаро Қизил хоч ташкилоти шу ернинг ўзида 20 дан ортиқроқ дала госпиталларини ташкил этди. Жанубий Корея, Малайзия ва Сингапурдан ҳарбий шифокорлар уларга ёрдам бериш учун етиб келишди.*

*БМТ бош котиби Кофи Аннан Ява оролларига инсонпарварлик ёрдами ва қутқарувчиларнинг халқаро бўлинмаларини юборишга тайёр эканлигини айтди. Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва Испания давлатлари раҳбарлари зилзила оқибатларини бартараф этишда ёрдам беришларини билдиришди.*

*Индонезияга ёрдам бераётган мамлакатлар: (миллион долларда)*

***Буюк Британия — 5,5***
***Европа Иттифоқи — 3,8***
***АҚШ — 2,5***
***Австралия — 2,3***
***Хитой — 2***
***Канада — 1,8***



*Япония ва Малайзия Индонезияга шифокор ва қутқарувчиларни жўнатди. Куала-Лумпур ҳам офатдан жабр кўрган оилаларга 3,8 миллион доллар ажратди.*

**Хуршид РАУПОВ**

## КОЛУМБИЯ

*Колумбиянинг амалдаги президенти Альваро Урибе якшанба куни бўлиб ўтган президентлик сайловида ғалаба қозонди.*

*Мамлакатнинг Марказий сайлов комиссияси вакили амалдаги президент 62 фоиз, унинг рақиби сенатор Карлос Гавириа эса 22 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлганини маълум қилди.*

*Урибе президентликнинг биринчи муддатида конституцияни ўзгартириб, яна президент этиб сайланиш ҳуқуқини қўлга киритди.*

*Урибенинг 3 йил раҳбарлиги давомида Колумбияда қотилликлар сони йилига 15 мингтача, одам ўғирлаш эса учдан икки баробарга камайди. Халқ президентнинг ҳарбийлашган гуруҳларга қарши кураш ва гиёҳванд моддалар муаммоси борасидаги қатъий позициясини қўллаб-қувватламоқда.*

---

## ДЎСТЛИК ФОРУМИ

Элликқалъа тумани маркази Бўстон шаҳрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Қорақалпоғистон Республикасида яшаётган турли миллат ва элат хотин-қизлари ҳамда ёшлар жиноятчиликка, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида дўстлик форуми ташкил этилди.

Форумни Элликқалъа тумани ҳокими Неъматулла Худайбергенов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова эса ўтказилаётган форумнинг аҳамияти хусусида гапирди.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси Баҳодир Янгибоев ўз сўзида республикадаги турли миллат ва элат вакилларининг дўст, иноқ бўлиб яшаётганлигининг энг ассосий сабабларидан бири — бу юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураётганлигида эканлигини эътироф этди. Шундан сўнг халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган хотин-қизларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

---

«Пилла — 2006»

## РЕЖА УДДАЛАНДИ

**Бухоро.** Пилла етиштириш янгича тизим — касаначилик асосида ташкил этилганлиги вилоятда юксак самара берди. Қайта ишлаш корхоналарига 2500 тоннадан зиёд юқори сифатли пилла топширган касаначи-пиллакорлар шартнома режасини барвақт бажариб, ўтган йилга нисбатан 300 тонна кўп хирмон уйдилар.

— Қайта ишлаш корхоналари буюртмаси билан, — дейди **вилоят «Пилла» бирлашмаси раиси Шавкат Очилов,** — 50 минг нафар касаначи ипак қурти парвариш қилди. Буюртмачи ташкилотлар ҳозиргача «Хуашен — Бухоро» қўшма корхонасидан 1370 тонна, «Ромстар»дан 670 тоннадан зиёд, «Ромитан тола» фермер хўжалигидан 480 тоннадан ортиқ «кумуш тола» қабул қилиб олдилар.

**Даврон БАҲРОНОВ**

